

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Нурмухаммедова Мухтабар Хасановна,

Гулистан давлат университети

катта ўқитувчиси

Кўчмурадов Зафар Равшанович,

мустақил изланувчи

Убайдуллаева Гўзалхон Муродқосим қизи

Гулистан давлат университети талабаси

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти турли молиявий-иктисодий, ижтимоий-сиёсий инқирозларнинг кучайиши, мамлакатлар ўртасида турли савдо урушларининг авж олиши натижасида дунё мамлакатлари ўртасидаги ижтимоий-иктисодий алоқаларнинг чекланиши каби жараёнлар билан тавсифланади. Бунинг натижасида эса, дунёнинг кўпгина миллий иқтисодиётларда ЯИМ ўсишининг секинлашуви, реал даромадларнинг пасайиши, ижтимоий табақаланишнинг чукурлашуви ва қашшоқликнинг ортиши кузатилмоқда. Камбағаллик ва қашшоқлик муаммоси дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бири саналади, шу сабабдан БМТ Бош Ассамблеясининг 2014 йил август ойида ўтказилган сессиясида мазкур муаммо 2030 йилгача бўлган муддатда сайёрамизни барқарор ривожлантиришнинг асосий мақсадларидан бири сифатидаэътироф этилган [8]. Мазкур сессияда 17 та мақсад белгилаб олинган бўлса, уларнинг орасида энг биринчиси бу камбағаллик ва қашшоқликка барҳам бериш хисобланади. Мазкур мақсадга эришиш борасида миллий хукуматлардан қуидаги вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратиш сўралади:

2030 йилга бориб, миллий таъриф ва талқинларга кўра қашшоқликнинг турли қўринишларида кун кечираётган барча ёшдаги эркаклар, аёллар ва болалар улушкини камида ярмига қисқартириш;

2030 йилгача бўлган муддатда барча эркак ва аёллар, айниқса, кам таъминланган ва ночор аҳолининг иқтисодий ресурсларга, шунингдек, асосий хизматлардан фойдаланиш, ер ва бошқа мулкчилик шаклларига эгалик қилиш ва уларни тасарруф этиш, мерос қилиб олинган мулк, табиий ресурслар, тегишли янги технологиялар ва молиявий хизматлар, шу жумладан микромолиялаш бўйича тенг хукукларга эга бўлишини таъминлаш;

2030 йилга келиб, камбағал ва ночор инсонларнинг турли хил салбий таъсирларга нисбатан барқарорлигини ошириш, иқлим ўзгариши ва бошқа иқтисодий, ижтимоий ва экологик хатарлар, табиий оғатлардан ҳимоялан-ганлигини кучайтириш [9].

Камбағаллик муаммоси ривожланаётган мамлакатлар қатори Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда камбағаллик мамлакатимизда турли қўринишларда: хусусан, яшаш минимумидан паст даражадаги даромадга эга бўлган шахслар улушкининг юқорилиги; ижтимоий барқарорликка таҳдид туғдирувчи иш ҳаки ва даромадлар даражаси бўйича аҳоли қатламларининг табақаланиши; даромадларнинг асосий қисми озиқ-овқат маҳсулотлари учун сарфланишида намоён бўлувчи истеъмол харажатларининг нооқилона тузилмаси; айниқса ҳозирги инқироз шароитида аҳоли катта қисмининг камбағаллик домига тушиб қолиш хавфининг юқорилиги; худудлар кесимида ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражаси-нинг фарқланиши кабиларда намоён бўлади.

Ижтимоий-иктисодий таъминланганлик даражаси паст бўлган уй хўжаликларининг моддий аҳволини яхшилаш, уларнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш муносабатлари жараёнида фаол иштирокини таъминлаш ҳар қандай мамлакат хукумати томонидан амалга оширилувчи ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг муҳим ташкил этувчиси ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, камбағаллик -муайян мақбул турмуш даражасини таъмин эта олмаслиkdir. Бир сўз билан айтганда, бу муайян бир шахс ёки оиланинг зарурий эҳтиёжлари даражасининг уларни қондириш имкониятларидан ошиб кетишидир. Мутлок, нисбий ва субъектив камбағаллик тушунчалари фарқланади. Инсоннинг озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой бўлган бирламчи

физиологик эхтиёжларини түлиқ ёки қисман қондира олмаслик ҳолати мутлоқ камбағаллик тушунчасини ифода этади. Камбағаллик даражасининг миқдорий ҳисоб-китоблари тұғрисида дастлаб, инглиз олимлари Чарлз Бут ва Сиб Раунтрилар фикр юритишган ва улар томонидан “камбағаллик чегарасы” тушунчаси илмий муомалага киритилган.

Камбағаллик чегараси инсоннинг фақат әнг муҳим бўлган бирламчи озиқ-овқат, кийим-кечакларни сотиб олиш ва истиқомат қилиш учун етарли бўлган даромадларнинг минимал миқдорини ифода этади. Жамият ривожланиши билан ҳаёт учун зарур буюм ва хизматлар мажмуи кенгая борсада, лекин юқорида тилга олиб ўтилган усул ўз моҳиятини йўқотганича йўқ. Бирор бир шахс ёки оилани камбағаллар тоифасига киритиш уларнинг нимага эгалик қилишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мазкур усулдан фойдаланган ҳолда мутлоқ камбағаллик даражасини ўлчашимиз мумкин.

Нисбий камбағаллик дейилганда бирор бир шахс ёки оиланинг жамиятда қабул қилинган муайян турмуш даражасини таъмин эта олмаслик ҳолати тушунилади. Нисбий камбағаллик инсоннинг бошқа одамларга нисбатан қанчалик даражада камбағал эканлигини кўрсатади. Кўпчилик ҳолатларда инсонлар ҳаётий зарур неъматлар билан таъминланган бўлсаларда, жамиятда таркиб топган турмуш андозаси даражасида кун кечира олмайдилар. Ҳаёт сифати ва шароитларига эътибор бериш шахснинг (ёки оиланинг) ижтимоий мавқеи ва унинг турмуш даражаси ўртасидаги тафовутни аниқлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда камбағалликни аниқлашда респондентларнинг ўзларини –ўзлари баҳолашларига асосланган субъектив усулдан кенг фойдаланимоқда. Бунда респондентлардан “сиз ўзингизни камбағал деб ҳисоблайсизми ёки йўқ”-деган саволга жавоб бериш сўралади. Бундай ёндашувнинг авфзаллиги шундаки, у ижтимоий муаммо сифатида камбағалликни баҳолашга ва уни ҳал этиш борасида зарурий чора-тадбирлар қўрилишига имконият беради. Шу билан бир қаторда, унинг ўзига хос камчилик томони ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, кўпчилик респондентлар ўзларини камбағал сифатида эътироф этишдан уяладилар [4].

Камбағаллик борасида янада аниқроқ таъриф Жаҳон Банки томонидан берилган бўлиб, унга кўра камбағаллик чегараси 2015-йилдан бошлаб, кунига 1,25 доллардан 1,90 долларгача қўтарилиган. Кунига 3,20 долларга кун кечириш ўртacha даромадга эга бўлган мамлакатлардаги камбағаллик чегарасини акс эттиrsa, кунига 5,50 долларга кун кечириш ўртачадан юқори даромадга эга бўлган мамлакатларда камбағаллик чегарасини аниқлашда асосий мезон ҳисобланади. Бу ҳақда, Жаҳон банкининг ҳар икки йилда бир маротаба эълон қилинувчи маъruzасида сўз юритилади. Жаҳон банкининг берган маълумот-ларига кўра, Ўзбекистон аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад ҳажми бўйича ўртacha даромадли мамлакатлар қаторига киради (аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртacha миллий даромад мамлакатимизда 2020 йилда 1685 долларни ташкил этди). 2021 йил якуни бўйича мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўсиши 6,5-7 фоиз атрофида бўлиши, бунда саноатда ишлаб чиқариш ҳажми – 9,1, қурилиш ишлари ҳажми – 6,6, хизматлар соҳаси – 8,6 ва қишлоқ хўжалиги – 2,8 фоизга кўпайиши кутилмоқда.

Мамлакатнинг ўрта муддатли макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозининг асосий сценарийсида келгуси беш йилда ЯИМнинг ўртacha ўсиш суръати 6,5 фоизда бўлиши прогноз қилинган.

Хусусан, 2022 йилда ЯИМнинг 5,9 фоизга ўсиши, келгуси йилларда эса ўсиш суръатларининг бундан юқори бўлиши ҳисоб-китоб қилинган.

Хукумат олдида 2026 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдорини 2 800 долларга етказиш ва 2030 йилга бориб эса 4000 доллардан ошириш ва ўрта даромадли мамлакатларнинг юқори гурухига кириш вазифаси турибди.

Камбағалликка қарши курашиш бўйича Европа тармоғи (EAPN) инсоннинг камбағаллик ҳолатига тушиб холиш хавфини кучайтирувчи бир қатор омилларни ажратиб кўрсатади, хусусан бундай омиллар сирасига қуйидагилар киритилади: ишсизлик, саводхонлик даражасининг пастлиги, ногиронлик, инсон саломатлигининг ёмонлиги, ўёки бу кам сонли этник гурухга мансублик, узоқ ёки қашшоқ худудларда истиқомат қилиш ва шу кабилар. Бизнинг фикримизча, бу ўринда энг катта эътибор берилиш лозим бўлган жиҳат- бу инсонларнинг иқтисодий тафаккур даражасидир. Инсонларда ўз ҳаётларини яхшироқ қилиш ва ривожлантириш истаги бўлиши керак.

Адабиётлар

1. Jurayeva, M. (2019). КОНТЕКСТНЫЕ ЗАДАЧИ В МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКЕ УЧИТЕЛЕЙ МАТЕМАТИКИ В КЛАССИЧЕСКИХ УНИВЕРСИТЕТАХ. Scienceweb academic papers collection.
2. Nematillayevna, J. M. (2021). Formation of methodological competencies of future mathematics teachers in the field of quality assessment of education. Asian Journal Of Multidimensional Research, 10(6), 67-71.
3. Abdiraxmanov, A. (2022). The educational purpose of teaching mathematics. Karshi-Journal of Pedagogical Inventions and Practices.
4. Abdirahmonov, A. (2022, March). OBJECTIVES, CONTENT AND MAIN TYPES OF EXTRACURRICULAR ACTIVITIES IN MATHEMATICS. In E Conference Zone (pp. 118-121).
5. Abdirahmonov, A. (2022, March). THE SUBJECT OF MATHEMATICS PURPOSE AND CONTENT. In E Conference Zone (pp. 83-85).
6. Abdiraxmonov, A., & Khurramov, O. (2022). FORMING THE PROFESSIONAL SKILLS OF UNDERGRADUATE MATHEMATICIANS. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(02), 920-925.
7. Abdiraxmanov, A. (2021). Ways of formation of the professional skills of undergraduate mathematicians. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(5), 1202-1208.
8. 30. Abulov, M. O. (2021). Some inverse problems for the hyperbolic equation. ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH, 10(4), 341-353.